O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2003 йил 13 сентябрь, №190 (3302) Шанба

# ЖАЙҲУН СОҲИЛИДАГИ ГАВҲАР






## Президент Ислом Каримовнинг Нукус шаҳрининг 70 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги сўзи

Ассалому алайкум, азиз юртдошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Бугун биз қорақалпоқ элининг гўзал пойтахти, юртимизнинг шимолий дарвозаси бўлмиш Нукус шаҳрининг 70 йиллик тўйини байрам қилмоқдамиз.

Мана шу қутлуғ сана муносабати билан сиз, азизларни, сизларнинг сиймонгизда бутун Қорақалпоғистон аҳлини чин қалбимдан муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг ҳурмат-эҳтиромим ва самимий тилакларимни билдиришга ижозат бергайсиз.

Қадрли дўстлар!

Бугун биз навқирон Нукус шаҳрининг катта тўйини нишонлар эканмиз, бу шаҳар тимсолида Қорақалпоғистон диёрида рўй бераётган янгиланишлар, иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, одамларнинг турмуш тарзида содир бўлаётган ижобий ўзгаришлар ҳақида гапиришимиз табиий, албатта.

Бу ўзгаришлар, аввалambор, қорақалпоқ халқининг машаққатли меҳнати ва ғайрат-шижоати билан эришилаётган катта ютуқларда, шаҳар ва қишлоқлар, овулларнинг тобора обод бўлиб, республика ишлаб чиқариш салоҳиятининг юксалиб бораётганида, янги-янги иншоотларнинг ишга туширилаётганида яққол намоён бўлади.

Булар қаторида минтақамизда ягона бўлган Қўнғирот сода заводи, Хўжайли шиша заводи, "Марказий Осиё безак тошлари" қўшма корхонаси, Қўнғиротдаги карбид, Нукусдаги мармар ва кабель заводлари, Урга газ кони, "Элтекс" ва "Катекс" каби замонавий ишлаб чиқариш мажмуаларини мисол келтириш мумкин.

Ўрни келганда шуни ҳам айтиш керакки, Ўзбекистоннинг, жумладан, Қорақалпоғистоннинг ҳам энг заиф нуқтаси — бу коммуникация масаласи эканини мен доимо таъкидлаб келаман. Ана шу ўта муҳим муаммони ечиш бўйича мамлакатимизда кўп ишлар қилингани ва қилинаётганидан сизлар яхши хабардорсиз.

Айниқса, 345 километрли Навоий - Нукус темир йўли, Нукус билан Хўжайлини боғлайдиган улкан кўприк, Қўнғирот автомобиль йўли каби муҳим стратегик иншоотлар бу заминдаги беҳисоб табиий захираларни ўзлаштиришга, улардан, аввалambор, қорақалпоқ халқининг, бутун юртимизнинг фаровонлиги йўлида фойдаланишга хизмат қилади.

Ана шундай одамларнинг оғирини енгил қилишга қаратилган ишларимиз ҳақида гапирганда, биринчи галда, аҳолини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш масаласини алоҳида айтиб ўтишимиз ўринлидир.

Охирги йиллар давомида фойдаланишга топширилган 243 километр узунликдаги Туямўйин - Нукус, 112 километр узунликдаги Нукус - Тахтакўпир сув узатиш тармоқлари бу борада ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда мураккаб экологик ҳудудларда яшаётган одамларга зарур шароит яратиш мақсадида Чимбой ва Тахтакўпир, Қўнғирот ва Қанликўл туманларининг олис қишлоқ ва овулларига, жами 390 та аҳоли пунктига ичимлик суви етказиб бериш бўйича қилган салмоқли ишларимиз барчамизни қувонтиради.

Ҳурматли юртдошлар!

Албатта, қўлга киритган бундай ютуқларимиз, улкан лойиҳаларни ўзлаштириш йўлида қилаётган меҳнатимиз ва ҳаракатларимиз халқимизнинг эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамлайди ва кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшади.

Айни пайтда олдимизда ҳали-бери ўз ечимини кутаётган, шу тупроқда яшаётган одамларни қийнаётган долзарб муаммолар ҳам борлигини эсдан чиқармаслигимиз ва бу масалалар доимо эътиборимиз марказида туриши зарурлигини англаб олишимиз даркор.

Шу ўринда мен, аввало, барча раҳбарларни — улар Тошкентда ёки Нукусда бўладими — огоҳлантириб, алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман:

Катта-катта лойиҳалар устида ишлаш билан бирга, одамларимизнинг кундалик ҳаётий муаммоларини ечиш, ташвишларини енгиллаштириш, уларга сўзда эмас, амалда ғамхўрлик кўрсатиш, бу масалада лоқайдлик ва тўрачилик каби нохуш ҳолатларга йўл қўймаслик, бир сўз билан айтганда, эл-улуснинг дардини ўз юраги, ўз қалбидан ўтказиб яшаш ва ишлашни бугунги кунда ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Азиз дўстлар!

Қорақалпоқ деганда, бу заҳматкаш халқнинг ўзига хос хусусиятлари, элни эл, юртни юрт қиладиган фазилатлари ҳақида гапирганда, аввало, бизнинг кўз олдимизда ўзининг узоқ тарихи давомида кўп азоб-уқубат, қирғин- қатағонларни бошидан кечирган, қанча-қанча оғир йўлларни босиб ўтган, чидамли ва бағрикенг, мард ва матонатли бир халқ сиймоси пайдо бўлади.

Агар биз она заминга, Ватанга меҳр ва садоқат ҳақида сўз юритадиган бўлсак, биринчи галда, саҳро қуёши, гармсел ва изғирин шамолларида тобланган, оғир табиий шароитда ҳам ўз юртининг тупроғини кўзига тўтиё қилиб, келажакка ишонч билан яшаётган қорақалпоқ эли ҳақида гапиришимиз ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Кимки бу жафокаш халқнинг беғубор қалбини, асрий орзу-армонлари, интилишларини билмоқчи, англаб етмоқчи бўлса, унинг ақл-заковати билан яратилган "Қирққиз" ва "Шаҳриёр" каби ўлмас достонларга, Кунхўжа, Ажиниёз ва Бердах сингари улкан шоирларнинг таъсирчан асарларига мурожаат қилса, ўйлайманки, ўзи учун кўп-кўп маъно топади.

Қорақалпоқ халқи азалдан ўзининг билимга ташналиги, санъатга бўлган юксак муҳаббати, ўз диёрининг бошқалар англаб етолмайдиган гўзаллиги ва жозибасини кашф этишдек ноёб истеъдоди билан барча-барчани мафтун этиб келади.

Шу борада биргина мисол келтирмоқчиман. Куни кеча мустақиллигимизнинг 12 йиллигига бағишланган тантанали байрам томошасида Қорақалпоғистон санъат усталарининг ёрқин маҳорати, таъсирчан куй-қўшиқлари шахсан менга бениҳоя манзур бўлди.

Агар шу томоша якуни бўйича қандайдир танлов ўтказилса, бошқалар хафа бўлмасин-у, мен ҳеч иккиланмасдан биринчи ўринни қорақалпоқ санъаткорларига берган бўлур эдим.

Қорақалпоғистоннинг ана шундай катта иқтисодий, илмий ва маънавий салоҳиятини асраб-авайлаб, уни янада бойитишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган Ўзбекистон Қаҳрамонлари Анисия Саидова, Алланиёз Ўтениёзов, Тўлепберген Қаипбергенов, улар қаторида Алимбай Мамутов, Турсунбай Ешжанов, Собир Камолов, Ибрайим Юсупов, Жўлдасбек Қуттимурадов, Муяссар Раззоқова, Кенесбай Сержанов, Гулхатича Айимбетова, Элиза Айтниязова каби ўнлаб ишлаб чиқариш соҳаси, илм-фан ва маданият намояндаларининг номларини ҳурмат ва эҳтиром билан тилга оламиз.

Муҳтарам юртдошларим!

Биз бугун бетакрор қиёфа касб этиб бораётган кўпмиллатли Нукус шаҳрини йирик саноат, илм-фан ва маданият маркази, дўстлик ва биродарлик шаҳри, деб

(Давоми 2-бетда).

*Тарихимизнинг кўҳна ва теран илдизларидан бўлган ва ҳозирги кунда ҳам юртимизнинг чиройига чирой, салоҳиятига салоҳият қўшиб келаётган қутлуғ масканларни обод қилиш, қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳарларимизнинг тўйларини нишонлаш тажрибаси истиқлол йилларида хайрли анъанага айланди.*

Бугун Қорақалпоғистон Республикасида худди шундай шодиёна — Нукус шаҳрининг 70 йиллиги тантанали нишонланмоқда.

Нукус Қорақалпоғистоннинг марказий қисмида, Амударёнинг ўнг соҳилида жойлашган. Шаҳар аҳолисининг миллий таркиби хилма-хил: бу ерда ўзбеклар, қозоқлар, туркманлар, руслар, корейслар, татарлар, украинлар, қирғизлар ва бошқа миллат вакиллари қорақалпоқлар билан ҳамжиҳат, дўсту иноқликда яшайди.

Мамлакат миқёсида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳот ва унинг юксак самаралари Нукус шаҳрининг янги тарихи саҳифаларидан ёрқин жой олмоқда.

Бу ерда йирик халқаро тадбирлар ўтказиш анъана тусини олаётир. Орол денгизи муаммоларини ҳал қилиш юзасидан қатор халқаро ҳужжатлар имзолангани, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Оролбўйи ҳавзасидаги экологик вазиятни яхшилаш, минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини белгилаб олишга бағишланган иккинчи йиғини ўтказилгани шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2002 йил 8 майда "Нукус шаҳрининг 70 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш тўғрисида" қарор қабул қилгач, шаҳар бўйлаб кенг кўламда бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Нукус шаҳрининг 70 йиллиги тантаналарида иштирок этиш учун 12 сентябрь куни бу ерга келди.

Президент Ислом Каримовнинг Нукусга ташрифи шаҳар остонаси — аэропорт билан танишувдан бошланди.

Давлатимиз раҳбари шаҳарда бунёд этилган замонавий спорт мажмуини кўздан кечирди. Ушбу спорт саройи барча қулайликларга эга. Уни қуриш ва жиҳозлашга Қўнғирот сода заводи, "Оролсувқурилиши", "АРЗ-16", "Таъмирлаш заводи", "Қизкеткен" кўчма механизациялашган жамланмаси яқиндан кўмак берди.

Президентимиз Нукусда яқинда қад ростлаган Санъат музейининг янги биносига ташриф буюрди. Ушбу бино махсус лойиҳа асосида бунёд этилган. Уч қаватли бино 3 минг 100 квадрат метр кўргазма майдонига эга.

Музейнинг иқлим мувозанатини сақлаш, хоналарда мўътадил ҳароратни ушлаб туриш учун хорижнинг қулай ускуналари ўрнатилган. Бу ерда музей фаолиятига зарур барча жиҳозлар, ноёб асбоб-ускуналар мавжуд.

Санъат музейида бугунги кунда 90 мингга яқин экспонат сақланмоқда. Музей Оролбўйида яшовчи халқларнинг қадим ўтмиши ва бугунги кунидан гувоҳлик берувчи жуда бой тарихий ва илмий манбага эга. Ислом Каримов Оролбўйи қадим ўрта аср тарихига оид асори-атиқалар, халқ амалий санъати намуналари, Қорақалпоғистоннинг замонавий тарихи, музей асосчиси ва биринчи раҳбари И.Савицкийга бағишланган мемориал зал ҳамда жаҳон санъати дурдоналари билан танишди.

Президентимиз Нукус шаҳрини Хўжайли тумани билан боғлайдиган Амударёдаги янги кўприкни бориб кўрди.

Шаҳар марказидаги — байрам тадбирлари, учрашув ва концертлар ўтказиладиган маданият ўчоғи — 5 минг томошабинга мўлжалланган амфитеатр янада чирой очган. Бу ерга вилоятлар ва Тошкент шаҳридан меҳмонлар, чет давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ташриф буюрган.

Соат 19.30. Чорлов мусиқаси янграйди. Юбилей тантаналарига бағишланган маросимни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси М.Ерниязов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга сўз берилади.

Давлатимиз раҳбари тантанали маросим иштирокчиларини, улар сиймосида нукусликларни, бутун Қорақалпоғистон аҳлини Нукус шаҳрининг қутлуғ тўйи билан муборакбод этади.

Юртбошимиз Мустақиллик йилларида, шу жумладан, шаҳар юбилейига тайёргарлик доирасида кенг кўламдаги таъмирлаш ва бунёдкорлик ишларини амалга оширган, янги-янги бинолар ва иншоотлар барпо этган моҳир қурувчи ва усталарга, муҳандис ва меъморларга, мана шу савобли ишларга муносиб ҳисса қўшган барча инсонларга миннатдорлик изҳор этди.

Нукус тўйи муносабати билан шаҳарда беқиёс бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Темирйўл вокзали, аэропорт, мусиқали

(Давоми 2-бетда).



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент Жаноблари!

Ҳар йили 11 сентябр куни америкаликлар 2001 йилдаги террорчилик ҳаракатлари оқибатида ҳалок бўлган ватандошлари хотирасини чуқур қайғу ва эҳтиром билан ёд олади. Бироқ, ўша куни фақат америкаликларгина ўз яқинларидан жудо бўлгани йўқ. Бошқа кўплаб мамлакатлар фуқаролари ҳам ҳалок бўлгани ёдимизда. Ватандошларим ҳамда шахсан ўзим сизларнинг қайғунгизга шерикмиз ва ўша террорчилик ҳаракатлари чоғида ҳалок бўлган ҳамюртларингиз хотирасига ҳурмат бажо келтириш ва хотирлашда сиз билан биргамиз.

Террорчилар тинч аҳоли ҳаётига зомин бўлиб, тобора кенг кўламда қўрқув ва парокандалик уруғини сочиш ниятида. Улар цивилизацияга таҳдид солиб, низоларни ҳал этишнинг тинч ва оқилона усулларини инкор этмоқда. Террорчилар бошқаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини менсимай, тараққий этган дунёнинг барчамиз муносиб ҳаёт кечиришимиз учун зарур бўлган эркинлик, ўзаро ҳурмат ва бағрикенглик каби қадриятларига беписандлик билан қарамоқда.

Террорчиликка қарши кураш узоқ давом этади ва оғир кечади.

Биз бу курашни ўзимиз ва фарзандларимизнинг ҳаёти учун, шунингдек, террорчилик қурбонларининг ёрқин хотираси учун давом эттирмоқдамиз.

Эҳтиром билан,

**Жорж БУШ,**
**АҚШ Президенти.**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*

*ҚАРОРИ*

## Капитал қурилишда хўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида" 2003 йил 6 майдаги ПФ-3240-сон Фармонини бажариш юзасидан ҳамда капитал қурилишда хўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш, шартнома мажбуриятларига риоя этилиши ва қурилишнинг пировард натижалари учун инвестиция жараёни қатнашчиларининг жавобгарлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:***

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарларига Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 мартдаги 97-сон, 2002 йил 8 октябрдаги 347-сон ва 2003 йил 17 апрелдаги 185-сон қарорларини пудрат қурилиш ташкилотларини, айниқса паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган ташкилотларни хусусийлаштириш дастурларини бажариш юзасидан ишларнинг қониқарсиз эканлиги кўрсатиб ўтилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва "Давархитектқурилиш" қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Ҳукуматнинг юқорида қайд этилган қарорларида кўрсатиб ўтилган пудрат қурилиш ташкилотларини 2003-2004 йилларда хусусийлаштиришни тўлиқ тугалласинлар, улар негизида асосан хусусий ва қўшма корхоналар ташкил этсинлар.

Паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган пудрат қурилиш ташкилотларини хусусийлаштиришда тегишли инвестиция мажбуриятлари мавжуд бўлган тақдирда объектларни қонун ҳужжатларига мувофиқ текин бериш кенг қўлланилсин.

Пудрат қурилиш ташкилотларини хусусийлаштириш бўйича олиб борилаётган ишларнинг натижалари тўғрисида йилнинг ҳар чорагида Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

2. 2003-2004 йилларда тўлиқ хусусийлаштириладиган лойиҳалаштириш ва қидирув ташкилотлари рўйхати маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, "Давархитектқурилиш" қўмитаси, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда лойиҳа-қидирув ташкилотлари тўлиқ хусусийлаштирилишини ҳамда лойиҳа ишлари бозорида рақобат муҳити барпо этилишини таъминласинлар.

3. Қуйидагилар:

Марказлаштирилган манбалар ҳисобига қурилишни ташкил этиш, молиялаштириш ва кредитлаш тартиби тўғрисидаги Низом;

Объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришга доир Намунавий пудрат шартномаси;

Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқлансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, объектлар қурилишини марказлаштирилган манбалар ҳисобига амалга ошираётган вазирликлар ва идоралар 2004 йил 1 июлгача капитал қурилиш бўйича бюджет буюртмачиларининг фаолият кўрсатиб турган ҳудудий хизматларини (бошқармалар, бўлимлар, дирекциялар) тугатсин ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида марказлаштирилган манбалар ҳисобига маблағ билан таъминланаётган объектлар қурилиши учун ягона буюртмачи хизматларини ташкил этсинлар.

Объектларни марказлаштирилган манбалар ҳисобига қуришда ягона буюртмачи ҳудудий хизматининг намунавий тузилмаси ва Ягона буюртмачи хизмати тўғрисидаги намунавий низом маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2004 йил 1 январдан бошлаб ягона буюртмачи хизматларининг штат жадваллари ва таъминотига харажатлар сметаси белгиланган тартибда мажбурий рўйхатдан ўтказилишини таъминласин.

(Давоми 2-бетда).

# ЖАЙҲУН СОҲИЛИДАГИ ГАВҲАР

## Президент Ислом Каримовнинг Нукус шаҳрининг 70 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги сўзи

(Давоми. Боши 1-бетда).

таърифлаймиз. Ва албатта, бу таърифларнинг барчаси мустаҳкам ҳаётий асос ва заминга эга.

Буни ҳозирги вақтда Нукусда Фанлар академияси ва Бадиий академиянинг филиаллари, Қорақалпоғистон давлат университети, қатор институтлар, қирққа яқин академик лицей, ўнлаб касб-ҳунар коллежлари, театр ва музейлар халқимизнинг маънавий-маърифий юксалиши йўлида хизмат қилаётгани ҳам тасдиқлайди.

Бутун халқимиз сингари қорақалпоқ эли ҳам нафақат бугунги ҳаёт, балки эртанги кунимиз, истиқбол орзуси билан, барчамизнинг таянчимиз ва суянчимиз бўлган жондан азиз фарзандларимизнинг тақдири ва келажагини ўйлаб яшамоқда.

Шу маънода, Нукус шаҳрининг ўзига хос ва ўзига мос яна бир хусусияти ҳақида гапиришни ўринли, деб биламан. Бугунги кунда шаҳар аҳолисининг 65 фоизини 25 ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил этади.

Бу ерда ҳар ўн нафар фуқаронинг бири, таъбир жоиз бўлса, талаба бўлиб ҳаёт кечирмоқда. Ва бундай ҳолат бу навқирон шаҳарнинг келажагидан, катта имкониятларга эга эканидан далолат беради.

Шу заминга хос, барчанинг ҳайрат ва ҳурматини, завқини уйғотадиган яна бир белги-аломат борки, у ҳам бўлса, мана шундай оғир ва мураккаб, ҳар қандай одам ҳам бардош беролмайдиган бир шароитда қорақалпоқ ёшларининг билимга, етук инсон бўлиб вояга етишга қатъият билан интилаётгани, халқаро фан олимпиадалари ва нуфузли жаҳон мусобақаларида қатнашиб, юксак марраларни эгаллаб келаётганидир.

Истиқболимиз тимсоллари бўлган Алишер Санетуллаев, Рустам Султонов, Руслан Ургенчбаев каби билимдон ёшларимиз, Анифа Ортиқова, Зиёда Шарипова, Махсет Утемуратов каби иқтидорли санъаткорларимиз, Бауржон Каздаев, Эркин Қутибоев, Баҳром Эрматов сингари мард ва жасур спортчиларимиз нафақат қорақалпоқ эли, бутун Ўзбекистон халқининг фахри ва умиди, десак, асло хато бўлмайди.

Қадрли дўстлар!

Мен бугун сизларнинг ҳузурингизга келаётиб, байрам арафасида Нукус шаҳрида амалга оширилган янги қурилиш ва ободончилик ишлари билан танишдим. Шуни мамнуният билан айтишим лозимки, қорақалпоқ халқининг бунёдкорлик салоҳияти тобора ортиб бораётганига яна бир карра ишонч ҳосил қилдим.

Айниқса, янги қурилган шинам турар-жой бинолари, гўзал майдон ва хиёбонлар, театр ва музей, спорт мажмуалари, бозорлар, замонавий талабларга жавоб берадиган аэропорт, темир йўл вокзали ва бошқа қатор иншоотлар кўзларни қувонтириб, шаҳар чиройига чирой қўшиб турибди.

Фурсатдан фойдаланиб, ана шу эзгу ишларда фаол қатнашган қўли гул усталаримизга, қурувчи ва муҳандисларга, лойиҳачи ва пудратчи ташкилотларнинг ишчи-хизматчилари, барча мутахассисларига ўз номимдан, халқимиз номидан чуқур миннатдорлик изҳор этаман.

Муҳтарам ватандошлар, қадрдонларим, қорақалпоқ диёри, қорақалпоқ элини улуғлайдиган аломат ва хусусиятлар ҳақида кўп гапириш мумкин.

Лекин буларнинг ҳаммасини бир сўз билан ифода этадиган бўлсак, қорақалпоқ мақолида айтилганидек, халқнинг бахту тахти — унинг туғилиб ўсган еридир, унинг жипслиги, аҳиллиги ва оғиз бирлигидир.

Бугунги унутилмас лаҳзаларда сиз, азизларнинг очиқ чеҳрангизга боқиб, аввал ҳам айтган бир фикримни яна такрорламоқчиман: ўзимни нафақат ўзбек, балки қорақалпоқ халқининг ҳам фарзанди, деб ҳисоблаш менга ҳар доим куч-қувват ва қанот бағишлайди.

Шунинг учун мен ушбу гўзал оқшомда катта қувонч ва ифтихор билан:

— ўз элим — қорақалпоғим омон бўлсин, ўз қалъам — Нукусим дунё тургунча турсин, дейман.

Ишонаман, қорақалпоқ диёрининг келажаги, албатта, ёруғ бўлади, қорақалпоқ эли бутун халқимиз қатори ўз олдига қўйган буюк мақсадларга, албатта, етади.

Ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака ёр бўлсин!

Яратганимизнинг ўзи барчамизни паноҳида асрасин!

Азиз дўстлар!

Энди менга шарафли бир вазифани бажариш учун ижозат этгайсиз.

Хабарингиз бор, Нукус аҳлининг мамлакатимиз ривожига қўшаётган катта ҳиссасини, иқтисодий-ижтимоий ҳаётнинг кўплаб соҳаларида қўлга киритаётган салмоқли ютуқларини, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш борасидаги хизматларини инобатга олиб ҳамда 70 йиллик тўйи муносабати билан Нукус шаҳри "Дўстлик" ордени билан тақдирланди.

Ушбу қутлуғ ва ҳаяжонли лаҳзаларда Ватанимизнинг ана шу юксак мукофотини сиз, ҳурматли, азиз юртдошларимизга топшириш менга чексиз қувонч бағишлайди.

Бу юксак мукофот барчангизга муборак бўлсин, Нукуснинг шон-шуҳрати янада зиёда бўлсин.



(Давоми. Боши 1-бетда).

театр биноси, мактаблар, лицейлар, соғлиқни сақлаш ва дам олиш масканлари таъмирлангани, янги турар жойлар барпо этилгани шулар жумласидандир.

Халқлар дўстлиги, Ажиниёз ва Мустақиллик майдонлари, Наврўз Жапақов ва Пиржон Сейитов номидаги хиёбонлар шаҳарликлар ором оладиган гўзал масканларга айланди.

Бу улуғвор ишлар Истиқлол берган имкониятлар, юртимиздаги тинчлик-осойишталик, халқимизнинг дунёда бошқалардан кам бўлмайдиган ҳаётга эришиш, чинакам буюк давлат, озод ва обод Ватан, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги эзгу иштиёқи, фидойи меҳнати, энг муҳими, истиқбол сари юксак орзуларга тўла қалб ва ёруғ юз билан бораётганидан далолатдир.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан Нукус шаҳри "Дўстлик" ордени билан мукофотланди.

Юртбошимиз Ватанимизнинг ана шу юксак мукофотини шаҳар ҳокими Ж.Бердихоновга топширди.

Маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон Халқ ёзувчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Т.Қаипбергенов, Зулфия мукофоти соҳибаси Д.Мамутова ва бошқалар Нукус шаҳрининг 70 йиллик тўйининг кенг нишонланиши ва "Дўстлик" ордени билан тақдирланиши бутун қорақалпоқ элини беҳад қувонтирганини таъкидлаб, бундай катта эътибор учун Юртбошимизга миннатдорлик билдирди.

Юбилей тантаналарига бағишланган "Гулла-яшна, азиз пойтахтим" мавзуидаги театрлаштирилган байрам дастури "Ватан мадҳи" қўшиғи билан бошланди.

Нукус санъат коллежининг чанқовузчи қизлари, "Айқулаш" ансамбли ҳамда бахши-жировларнинг куй-қўшиқлари барчага завқ бағишлади. Турли вилоятлардан келган санъаткорларнинг чиқишлари байрамга янада файз киритди. Эстрада юлдузлари ва умидли ёш хонандаларнинг "Юрак сўзларим сенга, Қорақалпоғистоним!" деб номланган дастури байрам томошаларига якун ясади. Шаҳар осмони турфа ранг мушаклар жилосидан янада чарақлаб кетди.

Нукус юбилейи шодиёналари барча жабҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритаётган, улуғвор бунёдкорлик кайфияти билан яшаётган халққа бугунгидек катта байрамлар ярашишини яна бир бор намоён қилди.

**Воҳид ЛУҚМОНОВ,**
**Аминбой ОРТИҚБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари.**

**СУРАТЛАРДА:** тантанадан лавҳалар.

**Дилшод ЮСУПОВ,**
**Омонбой МУРОТОВ**
**олган суратлар.**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*

*ҚАРОРИ*

## Капитал қурилишда хўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси 2003 йил 1 декабргача бўлган муддатда лойиҳа-қидирув ишлари қийматини шартномавий жорий нархларда белгилашнинг янгиланган тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, унда объектлар қурилишининг умумий қийматидан лойиҳа-қидирув ишлари қийматининг чекланган даражаларини белгиласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси белгилаган тартибда:

пудрат қурилиш ташкилотларининг давлат бюджетига, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ва Республика йўл жамғармасига тўловлар бўйича қарзлари (шу жумладан илгари кечиктирилган қарзлари) 2003 йил 1 сентябрдаги ҳолатига кўра тўловларни икки йил муддатга кечиктирган, улар бўйича бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга жорий тўловларни ўз вақтида тўлаш шарти билан кейинги икки йил мобайнида ушбу қарзларни ҳар ойлик тенг улушлар билан босқичма-босқич қайтариш йўли билан таркибини ўзгартиришни расмийлаштирсинлар;

пудрат қурилиш ташкилотларининг давлат бюджетига, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ва Республика йўл жамғармасига муддати ўтказиб юборилган тўловлари бўйича пеня ва жарималарни 2003 йил 1 сентябрдаги ҳолатига кўра ҳисобдан чиқарсинлар.

Белгилансинки, кўрсатиб ўтилган чора-тадбирлар натижасида бўшайдиган маблағлар пудрат қурилиш ташкилотларининг айланма маблағларини тўлдиришга йўналтирилади.

7. 2006 йил 1 январгача бўлган даврда пудрат қурилиш ташкилотларининг улар томонидан қурилиш техникаси ва асбоб-ускуналар сотиб олишга йўналтириладиган маблағлари даромад (фойда) солиғини ҳисоблаб чиқишда солиқ солинадиган базадан чиқарилиши белгилаб қўйилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси "Давархитектқурилиш" қўмитаси билан биргаликда икки ҳафта муддатда пудрат қурилиш ташкилотларига солиқ солиш бўйича кўрсатиб ўтилган имтиёзни қўллаш тартибини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Давлат бюджети лойиҳасини шакллантиришда 2004 йилдан бошлаб пудрат қурилиш ташкилотларининг маҳаллий бошқарув органлари балансига берилган ижтимоий соҳа муассасалари таъминоти харажатларини маблағ билан таъминлаш учун уларга маблағларни назарда тутсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартиришлар ва қўшимчалар тўғрисида бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Н.Тўлаганов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 12 сентябрь.

## Парламент сайловига бағишланди

**«Ёшлар ва демократия», «Партия ва сайловлар — партия дастурлари ўртасидаги рақобат», «Ёшлар сиёсий партиялардан нима кутади?» сингари мавзулар Конрад Аденауэр фонди ва журналистларни қайта тайёрлаш маркази ҳамкорликда ташкил этган семинарнинг асосий кун тартиби бўлди. Наманган Давлат университетида ўтказилган ушбу анжуманда сиёсатшунос олимлар, сиёсий партиялар ҳамда оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди. Улар Ўзбекистон сиёсий ҳаётидаги муҳим тадбир — бўлажак Парламент сайловининг ўзига хос хусусиятлари, унда сиёсий партияларнинг иштироки, халқни сайловолди дастурлари билан таништиришда газета ва журналлар ҳамда телевидениенинг роли хусусида атрофлича фикр юритдилар.**

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Миср рассомлари кўргазмаси

Ўзбекистон Бадиий академиясининг кўргазмалар залида Миср Араб Республикаси рассомларининг кўргазмаси очилди.

Ундан Рубоб Намр, Савсан Амир, Иброҳим Абдусалом, Форис Аҳмад Форис, Мустафо Абдуфаттоҳ, Адел ал Масри, Муҳаммад ал Тарави каби мусаввирларнинг графика, ҳайкалтарошлик, ранг-тасвир асарлари ўрин олган.

Асарларни кузатар экансиз, Мисрнинг ўтмиши ва бугуни кўз ўнгингизда жонланади.

Бу кўргазма Ўзбекистон ва Миср Араб Республикаси ўртасидаги маданий алоқалар кенгайиб бораётганидан далолатдир.

**Ўз мухбиримиз.**

*Мамлакатимиз Президенти Фармонига биноан Қорақалпоғистон Республикаси пойтахтига «Дўстлик» ордени берилиши барча нукусликларни, бу гўзал шаҳарда яшаётган жамики миллат вакилларини қувонтирди. Нукусдаги «Тараққиёт» тил ўрганиш маркази раҳбари, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, «Дўстлик» ордени соҳибаси Лилия ЛАГАЗИДЗЕ бу борадаги дил сўзларини шундай ифодалади:*

## Дўстлик шаҳри, тотувлик маскани

— Менинг киндик қоним Беларусь Республикаси, Витебск вилояти, Полоцк шаҳрида тўкилган. Турмуш ўртоғим Георгий Лагазидзе эса кўпчиликка «Мимино» комедияси орқали таниш бўлган Телави шаҳридан. Мен 1971 йилдан буён шу гўзал шаҳарда яшайман. Биринчи келганим кундан унга мафтун бўлиб қолганман. Кўпчилик уни саҳро четидаги шаҳар деб ўйлайди. Аслида Тахиатош тўғони ёнидаги серсоя соҳилда, Аччиққўлнинг қумлоқ қирғоғида бўлсангиз, Қизкетгеннинг нովвотранг сувида чўмилсангиз, бу ернинг ажойиб диёр эканига ишонч ҳосил қиласиз.

Энг муҳими, мен Нукусда ўзим орзу қилган кўп нарсага эришдим. Шу ерда педагогика институтини тугатдим. Инглиз тили бўйича мутахассис бўлиб етишдим. Ўзбекистон Миллий университетида аспирантурада ўқидим.

Истиқлол тонги мендек ташаббускор одамларга «яшил чироқ» ёқиб берди. Ўн йил аввал «Тараққиёт» тил ўрганиш марказини очдик. Ўн-ўн беш нафар болани хорижий тилга ўргатиш билан иш бошлаган кичик марказда бугун дерялик 3 минг нафар ёш ва мураббий фаолият кўрсатмоқда. Марказ ҳузуридаги гимназияга бу йил 80 нафар ўқувчи қабул қилдик. Марказимиз тараққиётига АҚШ, Буюк Британия ва Олмония элчихоналари, бир қанча халқаро ташкилотлар яқиндан ёрдам бермоқда. Мен ўндан ортиқ миллат вакиллари ўқиб, меҳнат қилаётган жамоамиз номидан шаҳримиз аҳлини «Дўстлик» ордени ва қутлуғ тўй билан табриклайман!

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ**
**ёзиб олди.**

## Мактабга грант

ЮНЕСКО мактаблар уюшмасининг аъзоси бўлган Бухородаги 8-ўрта мактабга Очиқ жамият институти томонидан уч ярим минг доллар миқдорида грант тақдим этилди.

— Ушбу маблағларга мебеллар, ўқув дарсликлари, кўргазмали қуроллар, бадиий адабиётлар харид қилинди, — деди мактаб директори Рустам Остонов «Туркистон-пресс» мухбирига. — Бундан ташқари иккита ўқув хоналари жиҳозланди. Болалар санъат, мусиқа, адабиёт йўналишлари бўйича индивидуал фаолликни кўзда тутувчи «Step-by — step» («Қалам-бақалам») махсус дастури бўйича таҳсил олишади.

***«Қонунга бўйсуниб яшашни турмуш тарзига айлантирмас эканмиз, жиноятчиликнинг олдини олиш муаммо бўлиб қолаверади».***

**Ислом КАРИМОВ.**

# МАҚСАД ЖАЗОЛАШ ЭМАС, ТАРБИЯЛАШ

*ёхуд жиноят қонунчилигида мусодара институтининг барҳам топиши ҳақида*

Жиноят қонунчилиги ҳам давр, замон, сиёсат ўзгариши боис янгиланиб туриши табиий ҳол. Унда баъзи жазо институтлари чекланиб, янгиларига эҳтиёж туғилади. Жумладан, айбдор шахснинг мулкини мусодара қилиш ўз ўрнини ярашув, ўз айбини тан олиб, жиноятни очишга фаол ёрдам бериш ёки етказилган моддий зарарни қоплаш институтларига берди. Зеро, республикамизда одил судловни халқаро тажрибалар ва миллий менталитет асосида шакллантириш мақсад қилиб қўйилган ва бугунги кунда жиноий жазони либераллаштириш борасида жадал ислоҳотлар олиб борилмоқда. Чунки ҳар қандай давлатнинг қай даражада демократлашганлигини муайян маънода айбдорларга нисбатан жазо санкцияларининг қўлланишидан ҳам билса бўлади. Чунончи, жиноят қонунчилигида қайд этилганидек, мулкни мусодара қилиш бу ҳукм қилинган шахс мулкининг барчаси ёки тегишли қисмини ҳеч қандай тўловсиз бегоналаштириб, мажбурий тарзда давлат ҳисобига ўтказишдир. Мазкур институт илгари қўшимча жазо сифатида кенг қамровда, чекланмаган даражада қўлланилган. Мавзуга ойдинлик киритиш мақсадида, Ўзбекистон ССРнинг 1954, 1962 ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 1994, 2001 йилларда нашр этилган Жиноят кодексларини қиёслаб кўриш мумкин.

1954 йилда чоп этилган Ўзбекистон ССР ЖКнинг умумий қисмидаги 5 та моддасида мулк мусодараси тушунчасига таъриф берилиб, махсус қисмининг 69 та моддасида эса мулкий мусодара қўшимча жазо сифатида татбиқ этилиши белгилаб қўйилган.

1962 йилда нашр қилинган Ўзбекистон ССР ЖКнинг умумий қисмидаги 4 та моддасида мулк мусодарасига бевосита таъриф берилган. Кодекс махсус қисмининг 44 та моддасида у қўшимча жазо тури тариқасида қўлланилиши мустаҳкамлаб қўйилган эди. 1994 йилдаги Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг умумий қисмида эса 3 та моддада мулк мусодарасининг таърифи келтирилган. Ушбу кодекс махсус қисмининг 58 та моддасида эса мусодара қўшимча жазо сифатида қўлланилиши кўрсатилган.

2001 йилда чоп этилган Ўзбекистон Республикасининг янги ЖКда мусодара институтига тўлиқ барҳам берилган. Яъни, ундан воз кечилган. Қўшимча жазо чораси сифатида мулк мусодараси бирорта моддада ҳам белгиланмаган. Чунки мусодара институти жиноят қонунчилигида ўзини оқламади. Жиноятнинг олдини олишда ҳам, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни қайта тарбиялашда ҳам самара бермади. Шу боис янги кодексда инсонни руҳан синдириш, бадном қилиш эмас, аксинча, уни тарбиялаш етакчи ўринга қўйилди. Жиноят кодексида мулкни ҳимоя қилиш унинг асосий вазифалари сирасига киритилди. Мусодара ўрнига ярашув, ўз айбини тан олиб, жиноятни очишга фаол ёрдам бериш ёки етказилган моддий зарарни қоплаш каби таъсирчан, самарали институтлар жорий этилди.

Юқоридаги қиёслардан ҳар бир даврнинг сиёсий муҳити қонунларга ҳам бевосита таъсир этишини кўриш мумкин. Эътибор қилинг, 1954 йилдаги ЖКда 28 та моддада белгиланган мусодара чоралари давлатга қарши жиноятларга, 12 таси ҳарбий жиноятларга, 16 та моддадаги мусодара эса хўжалик жиноятларига нисбатан қўшимча жазо сифатида қўлланган. 1962 йилдаги ЖКнинг 13 та моддасида кўрсатилган мусодара давлатга қарши жиноятларга, 8 таси социалистик мулкка қарши, 12 таси хўжалик жиноятларига нисбатан қўшимча жазо тариқасида тайинланиши назарда тутилган. Бу даврда жиноят қонунчилигида жазо қўллашнинг мусодара институти муҳим ўрин тутарди. Негаки, тузумнинг ўзига хос мантиқсизлиги шундай эди: «Ҳамма нарса бизники ва ҳеч нарса бизники эмас». Яъни, жамият йўқсиллар, камбағаллар синфидан ташкил топганди. Мустабид тартибот мулкдорлар синфини шакллантиришдан манфаатдор бўлмаган.

Тўғри, мазкур кодексларда фуқароларнинг мусодара этилиши мумкин бўлмаган мулклари рўйхати қонунлаштирилган. Бироқ бу қонунлар деярли ишламаган. У фақат назарий жиҳатдан мавжуд эди, холос. Лекин назария амалиётсиз ҳеч нарса эмаслиги илмда ўз исботини топган. Ўша давр жиноят қонунининг самара бермаганлиги уларнинг қуруқ назарийлашганлиги, суд органлари ҳукм қилинган шахсни тарбиялашдан кўра жазолашни мақбул топганлигида ҳам кўринади.

1994 йилдаги ЖК талаб даражасида такомиллаштирилмади. Шу боис эски жиноят кодексидан мерос бўлиб ўтган аксарият ҳуқуқий механизмлар қисман ўз кучини сақлаб қолганди. Хусусан, мусодара қўшимча жазо сифатида қўлланилиб келинган. Кодекснинг 13 та моддасида давлатга қарши жиноятларга нисбатан мусодара қўшимча жазо сифатида белгиланган. Фуқароларнинг шахсий мулкларига қарши жиноятларга нисбатан мусодаранинг қўшимча жазо сифатида қўлланилиши 1962 йилдаги ЖКга нисбатан 3 тага кўпайган. Хўжалик жиноятларига нисбатан 18 та, жамоат тартиби ва хавфсизлигига қарши жиноятларга нисбатан эса 13 та моддада мусодара қўшимча жазо тариқасида татбиқ этилган. Тўғри, ушбу кодекс аввалгиларидан талай ижобий жиҳатлари билан фарқ қилади. Бироқ уни мукаммал дейиш қийин.

Янги жамиятга асос солиниши муносабати билан, бошқарув тизимининг тубдан ислоҳ этилиши, одамларимиз онгида мулкка бўлган муносабатнинг ўзгариши, хусусийлаштириш жараёнининг кенг қамровда татбиқ этилиши, одил судловни амалга оширишга жиддий эътибор берилиши каби омиллар барча мулк шаклининг қонуний муҳофазасини таъминлади. Шахс манфаати давлат манфаатидан устун қўйилди. Суд идоралари олдига ижтимоий қилмиш содир этган фуқарони жазолашдан кўра, уни тарбиялаш чорасини кўриш вазифаси юкланди. Айниқса, хусусий мулкка дахл этишда фақат қонунларга қатъий риоя қилиш лозимлиги тўла асосланди.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз деб эътироф этилиб, конституциявий мақомда мустаҳкамланди. Зеро, Президентимиз Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 29 августдаги олтинчи сессиясида сўзлаган «Адолат қонун устуворлигида" маърузасида мазкур соҳадаги ислоҳотларнинг тамал тошини қўйди. Яъни жиноий жазоларни енгиллаштиришни либераллаштириш борасидаги аниқ таклиф ва йўналишларни белгилаб берди.

Ушбу ислоҳотлар бугунги кунда ўз самарасини бермоқда. Давлат шахсни содир этган ижтимоий хавфли қилмиши учун ҳам жисмоний, ҳам моддий томондан бадном қилишдан наф кўрмайди. Аксинча, уни қайта тарбиялаш чорасини қўллаб, айбига яраша адолатли жазо тайинлаш орқалигина мақсадга эришади. Шахсни адолатсиз жазолаган билан жиноят камаймаслиги тажрибадан маълум. Ҳолбуки, шахсга нотўғри жазо қўллаб, унинг мулкини мусодара қилиш оила аъзоларининг қалбида давлатга нисбатан адоват туғдиришини Президентимиз юқоридаги маърузасида ўринли танқид қилган эди.

Шу ўринда давлат ва фуқаро бир-бири билан мустаҳкам қонуний асосда боғлиқ ягона механизм эканлигини эслатиб ўтиш жоиз. Фуқароларнинг яшаш даражаси қанчалик юқори бўлса, давлат шунчалик манфаат кўради. Сабаби — давлат даромадининг аксарият қисми жисмоний ва юридик шахслардан олинадиган солиқлардан иборат эканлиги маълум. Шунингдек, кучли ижтимоий ҳимоя ҳам фақат давлат томонидан амалга оширилиши инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат.

Давлат томонидан қабул қилинган қонунларга фуқаролар, ким бўлишидан қатъи назар, оғишмай амал қилиши, ўз фаолиятларини қатъий тарзда қонун асосида йўлга қўйиши керак. Қонун олдида барча тенгдир.

Жиноят қонунчилигидаги амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳеч кимнинг жиноят содир қилишига имконият бермайди. Аксинча, уларнинг айбига яраша қонунда назарда тутилган жазонинг муқаррарлигини белгилайди.

Муҳими, истиқлол шарофати туфайли биргина жиноят қонунчилигида амалга оширилган юқоридаги қонуний имконият ва миллий афзалликларни қиёсий усулда тарғиб этиш лозим. Шунингдек, суд органларининг вазифаси фақат жазолаш эмас, балки адашган шахсларни тарбиялашни етакчи ўринга қўйишини фуқароларимизга яна бир бор таъкидлаш ҳам эътиборга молик масаладир.

**Эшмуҳаммад ҚОДИРОВ,**
**Адлия вазирлиги ҳуқуқий сиёсатни мувофиқлаштириш ва ўқув муассасалари бошқармаси бош маслаҳатчиси.**

